


**Қумқўрғон тумани "Осиё"
тўйхонасида катта ҳаёт тажрибасига
эга бўлган, жамиятнинг фаол
а'золаридан бўлган онахонлар жам
бўлишди.**



"Бувижонлар мактаби" фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда туман ҳокими Р. Гаппаров қатнашиб, ушбу хайрли ишнинг

бошланишига омад тилади.

Тадбир иштирокчилари тўкин дастурхон атрофида ўзаро самимий суҳбатлашиб, сан'аткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлардан бахраманд бўлишди.